



Кутайба Хоразмшоҳ билан сулҳ тузганидан кейин Муҷашшир ибн Музоҳим ас-Суламий Кутайба ҳузурига келиб, махфий равишда шундай деди: «Агар бир куни Сугдликларга қарши юриш қилмокчи бўлсанг, дарҳол — ҳозирок юришга чик; чунки улар бу ердаги омил (хоким) уларга қарши юриш қилмаслигидан хабардор ва хотиржам. Сен билан улар орасида ўн кунлик масофа бор». Кутайба ундан: «Бу фикрни сенга бошқа кимдир айтдими?» деб сўради. Муҷашшир: «Йўқ», деб жавоб берди. Кутайба яна сўради: «Бу сўзни сендан бошқа ким эшитди?» Муҷашшир яна: «Йўқ», деди. Шунда Кутайба: «Агар бу ҳақда бошқа кимдир айтганини эшитсам, Аллоҳга қасамки, сенинг бошингни оламан», деди.

Эртаси куни Кутайбанинг амри билан унинг укаси Абдуррахмон отликлар ва ўкчилар билан йўлга чикди, ўша куниёқ юклар ва бошқа буюмлар Мервга юборилди. Кечга бориб Кутайба шундай мактуб ёзди: «Эрталаб бўлиши билан юклар ва қимматли буюмларни Мервга юбор. Отликлар ва ўкчилар билан Сугд томонга йўл ол ва бу ҳақда ҳеч қимга гапирма. Мен ҳам сенинг орқандан чиқаман». Абдуррахмон Кутайбанинг буйругини бажарди. Кутайба аскарларга қилган нутқида шундай деди: «Сугдликлар ҳозир сизлар билан урушиш аҳволида эмаслар. Улар биз билан бўлган шартномани буздилар, ўзинглар биладиган ишлар ҳам содир бўлди. Мен Хоразмликларнинг ҳолати Қурайза ва Надир қабилаларига ўхшайди, деб умид қиламан». Шундан кейин юришга чикди ва Сугдга қараб йўл олди. У ерда Абдуррахмондон уч ёки тўрт кун кейин етиб борди. Кутайба билан бирга Хоразм ва Бухоро аҳолиси ҳам бор эди. Сугдликлар муҳосарада бўлган ҳолда бир ой давомида Кутайба билан фақат бир тарафдан жанг қилдилар.

Сугдликлар муҳосара қўзилиб кетишидан кўрқиб, Шош ҳокими, Хоконга ва Фаргона аҳлидига мактуб ёзиб шундай дедилар: «Агар араблар бизни енгадиган бўлсалар, улар

бизга келганидек сизларга ҳам келишади. Шундай экан, ўйланг, тафаккур килинг, ўзингиз учун яхшисини танланг ва кўлингизда канча қувват бўлса, уни кўрсатинг». Улар эса ўз ҳолатларини кўриб чиқиб: «Бу хабарлар бизга ўхшамаган пасткаш одамлардан келмокда. Улар бизда бор нарсаларга эга эмаслар», дедилар ва подшоҳ фарзандларидан, марзбонлар, усварлар фарзандлари орасидаги яхши от миниб, ўк ота оладиган мардлардан саралаб, уларга Кутайбанинг қароргоҳига бориб тунги ҳужум қилишни буюрдилар ва Кутайба Самаркандни муҳосара қилиш билан банд эканлигини ҳисобга олиб, унинг қароргоҳини ҳимоя қила олмаслигини билдирдилар. Уларнинг бошига эса бир ҳокон фарзандини кўмондон қилиб қўйдилар. Шундай қилиб, бу кишилар йўлга чиқдилар.

Кутайба бу ҳолатдан хабардор бўлганида, аскарлари орасидан жасур, бақувват, қучли ва жанг қобилияти юқори бўлган тўрт юз — бошқа ривоятга кўра олти юз — кишини танлаб олди ва уларга вазиятни тушунтириб, душманларига қарши юриш қилишни буюрди. Улар Солих ибн Муслим бошчилигида йўлга чиқдилар. Улар душман келадиган йўл устидан, ўз қароргоҳларидан икки фарсах узоқликдаги жойда тўхтаб, қароргоҳ қурдилар. Солих икки жойга аскарларни махфий равишда жойлаштирди. Тунда, ярим кечадан кейин душманлар ўша жойга етиб келишди. Солихни кўришлари билан унга ҳужум қилишди. Улар орасида жанг бошланди. Шу пайт махфий жойлаштирилган аскарлар ўнг ва чап томондан душманга ҳужум қилишди. Аммо душманлар матонат билан қаршилиқ кўрсатишди.

Солих билан бирга бу жангда қатнашган кишилардан бири шундай ривоят қилади: «Улар билан жанг қилиб турган чоғимда, тунда Кутайбани кўриб қолдим. У махфий равишда бизнинг орага қўшилган эди. Урган зарбамдан мамнун бўлиб, унга: “Онаму отам сизга фидо бўлсин, бу зарбамни қандай деб ўйлайсиз?” деб сўрадим. У эса: “Жим тур! Аллоҳ оғзингни йўқ қилсин,” деди. Жангимизни давом эттирдик. Қочиб қутилганлардан ташқари ҳеч қим тирик қолмади. Улардан бор жиҳозларини, қуроллари олдик, бошларини қесдик ва баъзиларини асирга олдик. Биз асирга олганларимиздан ўлдирилганлар қим эканини сўрадик. Улар: “Сизлар ўлдирганлар ё подшоҳ, ё қатта зотларнинг фарзандлари ёки бир қаҳрамон эдилар. Улардан ҳар бири юз кишига тенг саналади,” дейишди. Исмларини қулоқларига ёзиб қўйдик. Тан атрофи ёруғлашганида қароргоҳимизга қайтдик. Ҳеч қим биз қаби — на ўлик, на асир, на отлик, на тилла белбоғ ва қурооллар билан қайтмаган эди. Кутайба менга ва мен билан бирга бўлган гуруҳга кўпроқ эҳтиром кўрсатди. Менимча, у менда кўрган қаҳрамонликни уларда ҳам кўрган эди».

Сугдликлар бу ҳолни кўриб тор-мор бўлдилар. Кутайба қурдирган манжаниклар (катапултлар) билан уларни ўққа тутди ва қалъа деворида бир ёрик очди. Бир одам ўша ерга келиб, Кутайбага ҳақорат қилди. Бир ўкчи отган ўк билан уни ўлдирди. Кутайба ўша ўкчига ўн минг дирхам берди.

Муслмонлардан бир киши Кутайбанинг ўз-ўзига гапираётгандек айтган қуйидаги сўзларини эшитиб қолди: «Эй Самарканд! Шайтон сенинг ичида қачонгача ўз иналарини қуриб турмокчи? Аллоҳга қасамки, тонг отиши билан сенинг аҳлингга қилоладиганимнинг энг қучлисини қилишга ҳаракат қиламан». Бу одам ўз дўстларининг олдига бориб, шундай деди: «Қим билади, эртага қанча одам ўлдирилар?» ва эшитганларини баён қилди. Эрталаб бўлиши билан Кутайба аскарларга жиддийлик билан жангга қиришишни буюрди. Жуда қаттиқ жанг бўлди. Кутайба қалъа деворида очилган ёриққа боришни амр қилди, аскарлар қалқонларини юзларига тутган ҳолда ҳужумга ўтишди ва ўша ёриқчага

етиб бориб, унинг олдида тўхташди. Сугдликлар уларга ўк отган бўлсалар ҳам, улар ўша жойдан чекинмадилар. Шунда Сугдликлар Кутайбага хабар юбориб: «Бугун биздан чекин, кет; эртага сен билан сулх тузамиз», дейишди. Лекин Кутайба: «Йўк, одамларимиз ўша ёрик олдида туришар экан, биз сулх тузамиз, бошқа холда қабул қилмаймиз», деди. Бошқа бир ривоятда Кутайбанинг гаплари бундай бўлгани айтилади: «Бу куллар кўркувга тушдилар энди; келинлар, галаба сизлар томонда экан, чекининглар». Шундан кейин аскарлари чекинишди ва эртаси куни улар билан шундай шартлар билан сулх тузди: «Хар йили икки миллион икки юз минг мискол тўлашлари, шу йили эса оттиз минг отлик беришлари». Бундан ташқари, шаҳарни бўшатишлари ва уни уларга топширишлари, ичида ҳеч қандай жангчи қолмаслиги, мусулмонлар шаҳарга кириб масжид қуришлари, ўша масжидда намоз ўқишлари, хутба айтишлари, таом ейишлари ва чиқишлари ҳам шарт қилинди.

Сулх тузилгандан сўнг Сугдликлар шаҳарни бўшатдилар. Мусулмонлар у ерда масжид қурдилар. Кутайба танлаб олган тўрт минг киши билан шаҳарга кирди, масжидда намоз ўқиб, хутба айтди. Овқат еганидан кейин Сугдликларга шундай хабар юборди:

«Мол-мулкни олиб кетмокчи бўлган киши келиб олсин. Мен бу ердан чиқмайман ва сизлар билан тузилган сулхдан ташқари ҳеч нарса олмайман. Лекин шуни билингларики, аскарларим бу ерда яшайди.»

Ривоят қилинишича, сулх вақтида Кутайба улардан юз минг отлик беришларини, оташқадаларни ва бутларнинг безакларини ҳам олишни шарт қилган ва уларни олган. Бутлар олиб келиниб, устма-уст йигилганида катта сарой қаби кўринган. Бутлар устидаги қимматбаҳо ашёларни олгандан кейин Кутайба уларни ёқишни буюрди. Гавзек Кутайбанинг ҳузурига келиб, шундай деди: «Сенга чин дилдан раҳмат айтишим лозим, лекин айтаманки: бу бутларга тегма, чунки улар орасида ёккан одамни ўлдирадиган бутлар ҳам бор.» Кутайба унга: «Унда мен бу бутларни ўз қўлим билан ёқаман,» деди ва ўт олиб қилишни буюрди. Такбир айтганидан кейин бутларни ёқди. Ёқилган бутларнинг куллари орасида қолган олтин миҳларнинг оғирлиги эллик минг мискол бўлган.

Кутайба Сугдликлар орасида Яздижирд авлодидан бўлган бир жорияни қўлга туширди ва уни Ҳажжожга юборди. Ҳажжож эса бу жорияни Валида юборди. Валиддан ундан Язид исмли бола туғилди.

Кутайба Гавзекка Самаркандни тарқ этиб кетишини буюрди. У ҳам тарқ этиб кетди. Ривоят қилинишича, Самарканд аҳли фатх куни мусулмонлар қаршисига чиқиб жанг қилишди. Кутайба ўша куни бир тош тахт чиқарилишини буюрган ва ўша тахт устига ўтирган эди. Мизроқлар билан жанг қилиш даражасига қелгунча икки томон бир-бирига яқинлашдилар, ҳатто Кутайбанинг ҳузуригача қилишди; лекин Кутайба бундай ҳолатда ҳам истигносиз бўлиб, қиличига таяниб ўтиришда давом этди. Мусулмонларнинг ўнг ва чап қанотлари марказий қисмни мағлуб этган мушрикларга ёпирилди ва уларни қароргоҳларига чекинишга мажбур қилишди. Бу пайтда мушриклардан жуда кўп киши ҳалок бўлди. Нихояда мусулмонлар шаҳарга кириб, сулх туздилар. Гавзек бир таом тайёрлаб, Кутайбани унга таклиф қилди. Кутайба ҳам ўз йўлдошларидан маълум миқдордаги одамлар билан бу таомга борди. Кутайба кетишидан олдин Гавзекдан Самаркандни унга ҳадя қилишини сўради ва унга: «Сен ҳам бу ердан кет,» деди. У эса буни қабул қилишдан ва Кутайбага итоат этишдан бошқа чора тополмади. Шундан кейин Кутайба Улуг Аллохнинг қуйидаги сўзини ўқиди:

«Ва у, албатта, аввалги Од қавмини ҳалок қилди. Самуд қавмини ҳам қолдирмади.»
(Қуръон, Нажм сураси, 50-51-оятлар)

Кутайбанинг Самаркандни фатҳ этгани хакида хабар етказиш учун Хажжож хузурига юборган кишидан ривоят килинишича, у шундай деган:

«Хажжож мени Валид хузурига юборди. Тонгдан олдин Димашкка етиб бордим, масжидга кирдим. Ёнимда кўзлари кўрмайдиган бир киши бор эди, у мендан: “Каерликсан?” деб сўради. Мен: “Хуросонликман”, деб Самарканднинг ахволини айтдим. У киши шундай жавоб берди: “Мухаммадни (солаллоху алайхи васаллам) ҳақ билан юборган Зотга касамки, сизлар у ерни шартномани бузиб фатҳ килдингиз. Ва сизлар, эй Хуросонликлар, Умайявийлардан мулкни тортиб оласизлар, кейин эса Димашкда тош устида тош колдирмайсизлар.”»

Кутайба Самаркандни фатҳ килганида: «Бу — икки эшакни ҳам ерга йиккандир», дейишди. Чунки у шу йили ҳам Самаркандни, ҳам Хоразмни фатҳ килган эди. Араблар бу иборани отлик бир зарбада икки душманни ерга йикитган ҳолатда ишлатишар эди. Кутайба Самаркандни фатҳ килгач, Нахор ибн Тавсани чакириб унга шундай деди:

«Эй Нахор! Ха, сен айтган эдинг:

“Эй, энди бойитган газолар ўтди;

Мухаллабдан кейин сахийлик ва эҳсон ўлди.

Улар Марв ар-Рузда кабрига гаров бўлиб колдилар;

Энди Шарк ҳам, Гарб ҳам улардан узок.”

Бу сўзларинг каерда колди? Ахир бу ҳам газо эмасми?»

Нахор шунда: «Бу ўшалардан ҳам яхшироқ. Мен бир вақтлар бу байтларни ҳам айтганман,» деди ва куйидагиларни ўқиди:

«Бизнинг давримиздан ва биздан олдин ҳам,

Хатто биздан кейин ҳам Кутайбага ўхшаш бирор кимса йўқ.

У кофирларни киличи билан бирин-кетин ҳалок килди,

Бизга эса бирин-кетин ганимат тақсим этди.»

Бу ҳақда шоирлар кўплаб шеърлар айтганлар. Кумайтнинг бир касидасида куйидаги байт ҳам келади:

«Самарканд узок асрлар давомида Яманийларники эди,

Бугун эса Мударликлар уни Кайсга нисбат бермокдалар.»

Каъб ал-Ашқарий ёки Жуғолийлардан бири ҳам шундай деган:

«Хар куни Кутайба бир ярабон килмокда,

Мол-дунёга мол кўшмокда.

Бахилийлардан бўлиб, бошига тож кийди,

Окиб, сийох сочлари охири окарди.

Сугдликларни ўз аскарлари билан айлантирди,

Охирида Сугдликлар жойида туриб колдилар.

Болалар оталарини йўқотганидан йиглайди,

Музтар оталар эса фарзандлари учун...»

Шундан сўнг Кутайба Марвга қайтди.

Хуросонликлар: «Кутайба Самаркандликларга берган ваъдасида турмади ва у ерни шартнома шартларини бузиб эгаллади,» дейишарди.

Кутайбанинг Хоразмда колдирган уруш кўмондони Ийёс ибн Абдуллох ожиз бир киши эди. У ерда хараж йигиш вазифаси Муслимнинг озод килинган кули Убайдуллох ибн Убайдуллох зиммасида эди. Хоразм ахли Ийяснинг ожизлигини кўриб, унга карши тўплана бошладилар. Убайдуллох Кутайбага мактуб ёзди. Шундан сўнг Кутайба укаси Абдуллохни у ерга омил килиб юборди ва Ийяс ҳамда Хайён ан-Набатийга юзтадан калтак уришни буюрди. Абдуллох Хоразмга яқинлашганида Ийясга хабар жўнатиб, уни кўрkitди, шу сабабли у чекинди. Абдуллох келиб Хайёни тутиб олди ва унга калтак уриб, сочини олди.

Сўнгра Кутайба Мугир ибн Абдуллох билан бирга Хоразм устига аскар юборди. Хоразмликлар бунини эшитдилар. Мугир улар хузурига етиб боргач, Хоразмшоҳ томонидан ўлдирилган кишиларнинг фарзандлари ундан ажралиб чикиб: «Биз сенга ёрдамчи бўла олмаймиз,» дейишди. Хоразмшоҳ эса турклар юртига кочди. Мугир келиб, баъзиларини ўлдирди, баъзиларини асир олди. Колганлар у билан жилзия тўлаш шартида сулх туздилар. Мугир кейин Кутайбанинг хузурига кайтди, Кутайба эса уни Нисо (Найсобур) шаҳрига омил килиб тайин килди.

Ибни Асирнинг "Комил фит тарих" китоби, 4-жилдидан
Абу Муслим таржимаси